

«ТАСДИКЛАЙМАН»



Навоий вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

М.Ж.Рузиев

2017 йил

**Навоий вилояти статистика бошқармасининг Турмуш даражаси
статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Навоий вилояти статистика бошқармаси Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Давлат статистика қўмитасининг қарор ва буйруқларига, “Навоий вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари масалалари бўйича фаолиятини Бошқарманинг таркибий бўлинмалари, ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

6. Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бошлиғи ўринбосарига бўйсунди.

2 боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари қисми бўйича Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

б) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш;

в) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича Навоий втлоятидаги энг муҳим ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилларини олиб бориш;

г) ишончли давлат статистика маълумотларини тақдим этишда уй хўжаликлари респондентларига ҳар томонлама кўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни оширишда иштирок этиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

д) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича олинган статистика маълумотларининг махфийлиги, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

е) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари асосида оммавий ахборот воситаларида диаграммалар ва графикларни кенг намойиш қилиш, статистик нашрларга кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш бўйича чораларни кўриш.

8. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича белгиланган ишларнинг тўлик ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

Бўлимга тааллуқли бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғади, қайта ишлайди, тўплайди, сақлайди, умумлаштиради, таҳлил қилади ва эълон қилади;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича кўрсаткичларнинг ишончилигини, ҳолислигини ва комплекслигини таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3 боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Турмуш даражаси статистикаси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан)

белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бошқарманинг тармоқ бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Бошқарма раҳбариятига турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат статистикаси соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштиришда, статистик кузатувлар методологияси ва методикасини ишлаб чиқишда таклифлар бериш;

давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш Дастурига асосан статистика ишларини ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

Бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарманинг бўлимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича кузатув шакллари тўлиқлигини таъминлаш, йиғиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

10. Бўлим қуйидагилар учун мажбур:

ўзига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада ва самарали бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Бўлим ходимлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4 боб. Бўлимнинг таркиби

11. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва мутахассислар киради.

11. Бўлим ишига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва мутахассислар Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5 боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

16. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, навоий вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари Бўлимнинг иш режаси ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.